**ТАСДИКЛАЙМАН**
**Фаргона вилоят, Фаргона шахар мактабгача таълим булими мудири в.в.б.______________ Г.Акбарова**

**Техник топширик:**

ФАРГОНА ШАХАР №34-ДМТМ БИНОСИДАСАНУЗЕЛ КИСМЛАРИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

| № | Асосий маълумотлар ва талаблар руйхати | Асосий маълумотлар ва талаблар руйхати |
|---|---|---|
| | | |
| 1 | Ташаббускор номи | Фаргона шахар мактабгача таълим булими |
| 2 | Лойихани танлашга жойлаштиришга асос буладиган хужжат | Фаргона шахар мактабгача таълим булимининг 20.04.2022 й. кунги носозлик далолатномаси |
| 3 | Энг яхши таклифларни танлаш тури | Электрон |
| 4 | Молиялаштириш манбаси | Давлат бюджети (Опенбюджет Давлат дастури) |
| 5 | Мазкур обьектда олиб бориладиган ишлар | Фаргона вилоят, Фаргона шахар №34-ДМТМ биносида олиб бориладиган санузель кисмларини жорий таъмирлаш ишлари. Лойиха смета иш хажми илова килинади. Махсус электрон портал: http://etender.uzex.uz жойлаштирилган. |
| 6 | Буюртмачи жойлашган жой | Фаргона шахри, Нурафшон кучаси, 15- уй |
| 7 | Буюртманинг максад ва вазифалари | №34-ДМТМ биносида олиб бориладиган санузель кисмларини олиб бориладиган жорий таъмирлаш ишлари. |
| 8 | Танлаш (конкурс) хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш учун манзил | Махсус электрон портал: http://etender.uzex.uz |
| 9 | Таклифни амалга ошириш муддати | http://etender.uzex.uz сайтла эълон килинган кундан бошлаб 5 кун |
| 10 | Танлаш (конкурс) таклифларини кабул килиш манзили ва вакти | Таклифларни кабул килиш муддатининг охири http://etender.uzex.uz сайтда курсатилган. |
| 11 | Танлов(конкурс)тили | Узбекча, русча |
| 12 | Иштирокчига куйиладиган талаблар | 1. Иштирокчи солик ва бошка мажбурий туловлар буйича карзи йуклиги тугрисида маълумот (солик инспекцияси кайдномаси). 2. Белгиланган кафолат суммасини биржа хисоб ракамига утказиш. 3. Шунага ухшаш охириги 3 йил ичида бажарилган ишлар буйича маълумотлар. 4. Хакикатда ишлаётган (доимий ишчилар руйхати, мехнат базаси буйича). 5. Мавжуд техникалар сони балансдаги. 6. Хисоб ракамида обьект хажмининг камда 20% фоиз айланама маблаги борлиги тугрисида маълумотнома (Банк маълумотномаси) 7. Юридик шахсни руйхатдан утказилганлик тугрисида гувохнома, низом, ККС гувохномаси 8. Курилиш обектни жойига бориб урганиш далолатномаси ва бошка тегишли хужжатлар, 9.Курилиш рейтинги даражаси мавжудлиги, банкрот эмаслиги буйича маълумотнома. 10. Обьектга ишланган иш хажмлари офертаси. 11, Солик ва статистика хисоботлари (ёки аудит хулосаси) |
| 13 | Етказиб туриш буйича талаблар | Иштирокчи талаб килинадиган талаблар буйича (бажарилган ишлар, хизматлар) барча бандлари буйича ишларни уз вактида сифатли бажариши керак. Иштирокчи килинган ишлар буйича бюртмачига хисобот такдим этиши лозим. |
| 14 | Товар (ишлар, хизматлар) ларни етказиб бериш (ишни бажариш) муддати | 25 календар куни |

| | | |
|---|---|---|
| | Буюртмачининг лойиха сметаси буйича бошлангич бахоси | **287 135 925 сум** |
| 16 | Лойихани молиялаштириш | Шартнома тасдиклангандан сунг 3 банк иш кунида 30 фоиз аванс берилади колган маблаглар тасдикланган график асосида бажарилган ишлар (форма2) далолатномасига асосан тулаб борилади. |
| 17 | Бирламчи хужжатлар руйхати | Техник топширик, бажариладиган ишлар лойиха смета хужжатлари (иш кажми) ва давлат экспертизаси хулосаси. |
| 18 | Контракт валютаси | Сум |
| 19 | Маълумотлар учун телефон | 73 243-92-33 |

Фаргона ш. МТБ бош мухандиси Х.Акбаров

**ТАСДИКЛАЙМАН**
Фаргона шахар мактабгача таълим
булими мудираси в.в.б.
_________________ Г.Акбарова
«_______»_____________ 2022 й

**ФАРГОНА ВИЛОЯТ, ФАРГОНА ШАХАР №34-ДМТМ БИНОСИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН САНУЗЕЛ КИСМЛАРИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАКСАДИДА.**

# ЭНГ МАКБУЛ ТАКЛИФНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ХУЖЖАТИ

ФАРГОНА Ш. - 2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

**I. Танлов иштирокчилари учун йуриконома**

**II. Техник кисм**

**III. Нархлар кисми**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Фаргона вилоят, Фаргона шахар А.Навоий кучасида жойлашган №34-МТМ биноси санузел кисмида олиб бориладиган жорий таъмирлаш ишлари.

1.2. Танлов киймати – 287 135 925 (Икки юз саксон етти миллион бир юз уттиз беш минг туккиз юз йигирма беш) сум ККС билан. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

1.3. Махсулот (хизмат) буйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 25 календар кун

1.5. Ишларни бошлаш муддати- аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 Фаргона шахар мактабгача таълим булими (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Фаргона шахри, Нурафшон кучаси 15.

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган (ОКЭД коди оркали), Курилиш Вазирлиги реестрида рейтинг даражасида кайд этилган, камида 3 йил иш тажрибасига эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади-

- танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг Мавжудлиги юзасидан маълумотнома асли сканери,
- ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги тегишли иловалари билан;
- шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;
- танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги рангли сканер;
- уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;
- танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда);
- Низом маблаги микдори, ва х.з.

3.3.Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди

- каита ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
- мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

**Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тавдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Нархлар Кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

4.3. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАР ЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тавдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнагилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хавди. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган мудцат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хавди. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин кедиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун- мохиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни тавдим этиш тугрисида суров юборишга хакди. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган сан алан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.